

2019

THE CULTURAL LIFE IN SURKHAN OASIS: INFORMING OF ACHIEVEMENTS AND PROBLEMS BASED ON ARCHIVAL MATERIALS (1925–1941 YEARS)

Oybek Isayev

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, oybekisayev27@gmail.com

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw>



Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#), and the [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#)

Recommended Citation

Isayev, Oybek (2019) "THE CULTURAL LIFE IN SURKHAN OASIS: INFORMING OF ACHIEVEMENTS AND PROBLEMS BASED ON ARCHIVAL MATERIALS (1925–1941 YEARS)," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 31.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2019/iss4/31>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Oybek ISAEV,

Termiz State University Faculty of History The teacher of Department of the history of Uzbekistan and sources. anvar.bakiev.uz@gmail.com 43, Barkhamol Avlod, Termiz, Surkhandarya region, 190111, Uzbekistan

СУРХОН ВОҲАСИДАГИ МАДАНИЙ ҲАЁТ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАРНИНГ АРХИВ МАЪЛУМОТЛАРИДА КЕЛТИРИЛИШИ (1925–1941 ЙИЛЛАР)

THE CULTURAL LIFE IN SURKHAN OASIS: INFORMING OF ACHIEVEMENTS AND PROBLEMS BASED ON ARCHIVAL MATERIALS (1925–1941 YEARS)

КУЛЬТУРНАЯ ЖИЗНЬ В СУРХАНСКОЙ ДОЛИНЕ: ПРИВЕДЕНИЕ В АРХИВНЫХ ДОКУМЕНТАХ ДОСТИЖЕНИЙ И ПРОБЛЕМ (1925–1941 ГОДЫ)

Калит сўзлар: мафкура, маданий, инқилоб, округ, ленинча гоёлар, клуб, партия, лаборатория, маҳбуслар, воҳа, маъруза, гезета, мусиқа, жамоа.

Ключевые слова: Идеология, культурный, революция, округ, ленинские идеи, клуб, партия, лаборатория, пленные, долина, доклад, газета, музыка, коллектив.

Key words: ideology, cultural, revolution, district, the idea of lenin, club, newspaper, laboratory, party, lecturer, music, prisoner, oasis, community.

1925–1941 йилларда совет ҳукумати учун барча соҳаларда буткул ўзгаришлар даври бўлди. Дастлаб воҳанинг маҳаллий аҳолисини қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини тиклаш ва бой қатлам вакиллари йўқотиб, камбағаллар ва ўрта қатлам кишиларини совет кишиси сифатида майдонга олиб чиқиб, улар кўмагида воҳанинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларини ривожлантиришга уринди.

1920-йиллар охирида Ўзбекистонда партия мафкура майдонига яна бир ғояни — «маданий меросни инкор этиш ғояси»ни ташлади, бу аслида «маданий инқилоб»нинг асосий мақсадларидан бири эди [1; 391 б.]. Мана шу олиб борилган ижтимоий сиёсат кишилар онгини ўзгартиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Мамлакатимизнинг барча вилоят ва округларида ҳукумат томонидан янгича дунёқарашни шакллантириш ғояси илгари сурилди.

Дастлабки йилларда совет ҳукумати маданият ва уни бошқариш жабҳаларида маҳаллий аҳолининг урф-одатларини ҳисобга олишга мажбур эди. Сурхон воҳаси маданий ҳаётидаги ижобий ўз-

гаришлар натижасида маҳаллий аҳолининг саводхонлигини оширишга қаратди. Бирок, маъмурий буйруқбозлик тизимига асосланган совет ҳукумати маданий соҳаларда ҳам зиддиятли ҳолатларни юзага келтирди.

Ўз ғояларини тарғиб қилиш мақсадида воҳанинг турли туманларида маданий муассасалар, клублар, қизил чойхоналар, театрлар, музейлар, агитпунктлар, кутубхоналар ва бошқа маърифий масканлар ташкил қилина бошланди. Совет ҳукумати томонидан олиб борилган ушбу маданий-маърифий ишлар воҳа маҳаллий аҳолиси ижтимоий ҳаётида ўзгаришлар рўй беришига олиб келди. Дастлаб аҳолининг ёши чегараланмасдан саводсизликни тугатиш мактаблари ташкил қилина бошланди.

Совет ҳукумати таълим тизимини бошқариш учун ўз органларини тарғиб қилди. Хусусан, воҳанинг маданий-маърифий ишларини бошқариш округ халқ таълими бўлими зиммасида эди. Янги ташкил қилинган мактабларнинг бош мақсади совет ҳукуматига зарур содиқ кадрлар етказиб бериш билан бир қаторда, совет мафкурасини сингдириш эди.

Анъанавий мактабларга эса эскилик саркити сифатида қаралиб, бундай фикрлар аҳолининг онгига ҳам сингдирила бошланди. Бу халқнинг бой маънавий меросини аста-секинлик билан йўқ қилишга уринишнинг бир кўриниши эди. 1925 йилда маданий-маърифий ишлар воҳада йўлга қўйилмаганлиги учун энди қилиниши керак бўлган ишлардан бири қишлоқ кенгашларида қизил чойхоналар ташкил қилиш деб қаралган эди.

1925 йилга қадар округда фақат битта чойхона ташкил қилинган, клублар умуман йўқ, мана шу ҳақда кенгашлар тузиш ва маданий-маърифий ишларни йўлга қўйиш кераклиги тўғрисида қарор қабул қилган эди [2]. Жорий йилда Сурхондарё округида мактаб таълими энди ривожланаётган давр бўлиб, ҳали кўпгина туманларда анъанавий мактаблар фаолият юритаётган эди. Ўша даврда фақат Термиз шаҳрида янги ташкил қилинган мактабни бир оз бўлса-да, талабга жавоб бериши мумкин деб қаралган эди [3]. Округда маданий муассасалардан бири битта кутубхона мавжуд бўлиб, унинг фондидаги китоблар ҳар хил жойлаштирилган, ҳали ўқувчилар рўйхатга олинмаган эди. 1925 йил Сурхондарё округи Ижроия Қўмитасининг 2-пленими йиғилишида ташкилотларнинг умумий озиқ-овқати ҳамда овқатланиш масканлари ташкил қилинмаганлиги ҳақида сўз борди.

Маданий ишларни йўлга қўйиш мақсадида воҳанинг Шеробод ва Бойсун туманларидаги мавжуд ташкилотларда маданий-маърифий ишларни

Ушбу мақола Сурхон воҳасидаги маданий ҳаёт: ютуқлар ва муаммоларнинг архив маълумотлари асосида ёритилишига бағишланган.

1925–1941 йилларда совет давлати ўрнатилганидан сўнг Сурхон воҳаси маданиятини буткул йўққа чиқаришга қаратилган ҳаракатларни амалга оширди. Дастлаб ишни маҳаллий халқни саводли қилишдан бошлаш керак деб тарғиб қилиб, уни чалғитди, оқибатда эса маҳаллий халқ саводсизлик гирдобига тушиб қолди.

Округда ташкил қилинган маданий муассасалардан бири мусиқали драма театри бўлиб, маҳаллий халққа кизикарли томошалар намойиш этилган эди. Театрда қўйилган асарлар асосан совет мафқурасини тарғиб қилувчи премьералар бўлган.

Совет ҳукуматининг асосий бўғинида партия топшириқлари ва В.И Ленин кўрсатмалари деб доимий тарзда иш олиб борилди. Мамлакатда бўлгани каби округда ҳам маҳаллий аҳолининг динга бўлган муносабати чеклаб қўйилди. Оқибатда «Худосизлар» жамиятини тузиб, халқнинг диний эътиқодларга бўлган муносабатини бўғиб, уни эскилик сарқити сифатида кишилар онгидан чиқариш учун кенг қамровда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди.

Воҳа аҳлининг бой маданияти поймол қилиниб, коммунистик дунёқараш шакллантирилди. Совет мафқурасини тарғиб қилиш мақсадида барча туманларда клублар, қизил чойхоналар, агитпунктлар ва бошқа маърифий масканлар ташкил қилиниб, халқни доимий тарзда бир тизимда ушлаш ва кўрқитиш билан янги совет ҳукуматининг олиб бораётган маданий инқилоб сиёсатига халқнинг диққат-эътиборини қаратишдан иборат бўлди.

Данная статья подготовлена на основе архивных сведений, по освещению достижений и проблем культурной жизни Сурханской долины.

В эти годы Советское правительство осуществляла деятельность, направленную на полное уничтожение культуры Сурханской долины. Оно агитировало, что надо начинать с того, чтобы народ был грамотным, и тем самым, запутало народ, в результате чего местный народ попал в пучину безграмотности.

Одним из культурных учреждений был организованный в округе музыкальный театр, который демонстрировал интересные представления местному населению. Произведения, поставленные в театре, были в основном премьерами, пропагандирующими советскую идеологию.

Постоянно основными звеньями советского правительством осуществлялась деятельность под видом того, что задания партии - это указаниями В.И. Ленина. В округе, как и во все стране, было ограничено отношение местного населения к религии. В результате, организовав общество «безбожников», задавив отношение народа к религии, пытаясь вывести из сознания народа религиозные исповеди как остатки старины, советское правительство проводило ширококомасштабную агитационную и пропагандистскую работу. Растоптав, осквернив богатую культуру населения, формировало коммунистическое мировоззрение. В целях агитации советской идеологии во все районах были организованы клубы, красные чайханы, агитпункты и другие просветительские заведения, было обращено особое внимание на поддерживани народа под влиянием одной системы, и те самым повышению интереса народа на политику культурной революции советского правительства.

It is important to say that This article is prepared on The cultural life in Surkhan oasis: informing of achievements and problems based on archival materials.

During these years, It was made actions to destroy the cultura of Surhan oasis after Soviet establishment. At the beginning It was propagandized as to start educating the local people and confused, as a result The local peoples had fallen into the degree of illiteracy.

The musical drama theater was one of the established cultural institutions, It was demonstrated interesting performances for local peoples there. The most of works which demonstrating at theater was been premiers promoting Soviet ideology.

It was operated consistently as the tasks of party and V.I.Lenin's instructions in the main system of Government of Soviet. The local people's religious affiliation was limited by Government of Soviet in all of district as It wa been in the country. As a result It was carried out widespread propaganda and outreach for excluding them from the people's minds, suppressing of the people's reaction to religious beliefs, creating of the society of «Godless».

It was formed communistic worldview and disrupted the rich culture of the population of oasis. It was organized clubs, red tea-house and other educational place of residence in all the district in order to promote Soviet ideology as well as that it was consisted that people's attention was focused on starting up of the politics of the cultural revolution by New Soviet government with fearing and keeping the people on a systematic basis.

йўлга қўйиш ҳақида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилди. Унда туманларда совет мафқурасини тарғиб қиладиган спектакллар, постановкалар ва кино сеанслар ташкил қилинди [4]. Мана шу йилларда сиёсий ишларни амалга ошириш учун туманларда биттадан клублар ташкил қилинди ва партия бўлимлари туманларда қизил чойхоналар ташкил қилди.

Лекин, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, 1926 йилда Сурхондарё округи Ижроия Қўмитаси-

нинг махсус йиғилишида Сурхондарё округининг бугунги тараққиётида ҳеч қандай ўзгариш сезилмаяпти, қишлоқларда совет аппарати органлари инструкторлари ишламаяпти, аҳоли мутлақо газета, журналлар билан таъминланмаган, келажакда қандай қилиб маданий-маърифий ишларни олиб бориш мумкин деб танқидий фикрлар билдирилган эди. Таълим тизими мамлакатда бўлаётган ҳодисаларга қандай баҳо бериши мумкинлиги ҳақида мажлисда алоҳида таъкидлаб ўтилди [5].

Мана шундай ҳолатларни ҳукумат вакиллари Бойсун тумани мактабларидаги пионер отрядларида театр, кино ва бошқа маданий дам олиш ишлари умуман йўлга қўйилмаган деб баҳолади. 1926 йилда воҳадаги ташкилотлар ва кутубхоналарнинг ўқув хоналарини мебель жиҳозлари билан таъминлаш ишлари бошланди ва мебелларни Термиз савдо бўлими орқали олиб келиш йўлга қўйилди [6].

1926–1927 йилларда Сурхон воҳасидаги маданий муассасалар тўғрисида маълумот [7].

Маданий муассасалар номлари	Муассасаларнинг умумий сони	Тўғаракларнинг умумий сони	Кутубхоналардаги китоблар сони	Қизил чойхоналар ва дехқонлар уйлари	Клублар сони	Маҳаллий бюджет
Хотин-қизлар клублари	5	-		137	9	
Кутубхона	6	-	256	-		6
Қизил чойхона	8	-		-		4
Дехқонлар уйи	-	-				
Кўчма кинолар	1	-				
Доимий кинотеатр	-	-				
Ўзбек хотин-қизлар бурчаги	2	-	240	-		2
Театрлар	1	-		-		

Совет ҳукумати халқнинг маданий савиясини кўтаришда клубларнинг ўрнини ниҳоятда баланд ҳисоблаб, воҳада клублар ташкил қилишни йўлга қўйди. Чунки сиёсий-маърифий ишлар асосан қизил чойхоналар ва клублар зиммасига юклатилган эди [8]. 1927 йилда 7 та клуб очилиб, ўзининг иш фаолиятини бошлади. Ҳар бир клублар ва қизил чойхоналарда «Ленбурчак» (В.И.Ленин бурчаги – О.И.) ташкил этилди. Мазкур ташкил қилинган клубларнинг 3 таси хотин-қизлар учун мўлжалланган эди. Клубда кутубхона иши, «кўчма» кутубхона ҳамда «Дехқонлар уйи» очилиши назарда тутилган бўлса-да, уларни ташкиллаштириш учун маблағ етишмас эди. Клубларда фақатгина «Ленбурчак» ва ташвиқотчилар гуруҳи иш олиб борди. 1927 йилда воҳанинг Шеробод, Термиз ва Денов туманларида радиоприёмниклар ўрнатишни режалаштирди. Мазкур радио тўлкинини учта туманга тарқатишни йўлга қўйиш учун 5200 рубл кераклиги маълум қилинган эди. Лекин, радио тўлкинини режага киритиб туманларга ўрнатишга ЎзССР телеграфидан розилик олиниши шарт деб қаралди. Сурхондарё

округи раҳбарлари округга бугунги кунда радио тўлкини кераклиги ва уни 100% ўрнатишни талаб қилди [9].

Шунингдек, шу йилнинг ўзида Сурхондарё округига иккита инструкторлик ўрни ажратилди, улар хотин-қизлардан иборат бўлиши талаб қилинди. Келажакда хотин-қизларнинг ролини ошириш ва маданий-маърифий ишлар хотин-қизларнинг зиммасида бўлишини эътироф этган эди [10]. Мазкур хотин-қизлар клуби Шеробод ва Термиз шаҳрида ташкиллаштирилиши кўзда тутилди.

Ташкил қилинган клубга округнинг қишлоқ кенгашларидаги хотин-қизлар вакилларига маданий-маърифий ва тушунтириш ташвиқот ишлари олиб бориш вазифаси юкланди.

Округнинг кейинги тадбирларида воҳа ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида иш кўрилиши таъкидланди. Шунингдек, мактаб таълими ва кадрлар масаласини жамлашга қаратилиши, ўқитувчилар айни вақтда қишлоқ мактаблари ҳам боришлари зарурлиги билдирилди. Клуб ишлари ҳам алоҳида белгилаб олинди, округнинг барча ҳудудларида клублар ташкил қилиниши ҳамда 6000 нусхада китоблар келтирилиши, маданий-сиёсий ишларни мана шу клублар бажариши кўзда тутилган эди. Шу билан бирга «Қизил бурчак»лар ташкил қилинди. Маданий-маърифий ишларни бажариш учун 1926 йилда 6 та қизил чойхона ташкил қилинган бўлса, туманларда ҳалигача қизил чойхоналар ташкил қилиш унчалик яхши йўлга қўйилмаган эди [11].

1927 йилда округда партия органлари ишлари юқори даражада олиб борилишини таъминлаб ва бор куч-ғайратлари билан иш олиб борилишини назорат қилди. Партия меҳнаткашлари партиянинг нималарга қодирлигидан бениҳоя хурсандлар ва умумий қилиниши керак бўлган ишларни туманлардаги партия ташкилотлари бажаришга мажбурдирлар деб қаралди. Округдаги барча ишларга хотин-қизлар партия кўмакчиси сифатида жалб қилинди.

Улар маданий-сиёсий ишларда партиянинг қуйи ташкилотлари ва ячейкаларида катта аҳамиятга эгадир, дейилди. Шунингдек, партия мактаблари, кутубхоналар, ҳар хил тўғараклар ташкиллаштирилди. Энг асосийси шаҳарларда биринчилардан бўлиб, ташвиқот хоналари, «марксизм-ленинизм» ғояларини илгари суришга даъват қилди [12]. ЎзССР Халқ Комиссариатининг ижтимоий таъминот бўлими 1927 йилда округлардаги халқ таълими бўлимига ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва маданий-маърифий ишларга жалб қилиш ҳақида ёзма хабар юборган эди. Шундан сўнг ушбу хабарни тезликда амалга ошириш учун Шеробод туманидаги маданий-маърифий клублар

кенг қамровда иш олиб бордилар/[13]. Оқругда маданий-маърифий ишларни йўлга қўйиш учун мухтаassis кадрлар керак эди. Шунин хисобга олиб, 1927 йилда савдо ходимларидан 3 нафари Тошкент шаҳрига бир йиллик курсга ўқишга юборилди/[14]. Улар ўқиш даврида газета, деворий гезеталар ва умумий қоғозлар билан ишлаш тартибини ўрганишлари белгилаб берилган эди.

Таъкидлаш жоизки, совет ҳукумати қизил чойхона ва клублар иши орқали кишилар онгидан динни буткул йўқотишга ҳаракат қилинди ва бу борада кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борди. Масалан, «Хўжамулки» қишлоқ кенгашига қарашли «Саноат» колхозиди раис бошчилигида Аллоҳ йўлига қўй сўйилиб, эҳсон қилингани учун партия ташкилотиди бу масала муҳокама қилинди ва раисни партиянинг душмани сифатида қоралади/[15].

Термиз шаҳрининг савдо ходимлари эски Термиз бўйлаб экскурсия ташкил қилди. Экскурсияга келган кишилар эски Термиз шаҳри ҳақида маълумотга эга бўлдилар, уларга Шарқ маданияти музейи директори профессор Денике ҳамроҳлик қилди. Профессор бир қанча моддий ва маданий ёдгорликлар ҳақида ҳамда шаҳарнинг қадим тарихи ҳақида уларга маълумот берди. Бу шаҳар қадим замонлардан бери маданият ўчоқларидан бири эканлигини таъкидлади/[16]. Шу билан бирга келажакда Термиз шаҳрида музей ташкил қилиш кераклиги ҳақида айтиб ўтди. Айни вақтнинг ўзиди Москва Шарқ маданияти музейидан келажакда олий тоифадаги тўғарак ташкил қилиш керакки, худуддаги бор ашёвий материаллар мамлакатимизнинг тарихи учун хизмат қилади деб баҳо берди.

Хусусан, 1928–1929 йилларда Сурхондарё округи хотин-қизлари маиший шароитини яхшилаш учун махсус комиссия ташкил қилинди/[17]. Совет ҳукумати маданий ҳаётда хотин-қизлар аҳолига алоҳида эътибор қаратди. Аёлларнинг газеталарга обуна бўлишини таъминлаш учун маблағ ажратди ва мазкур газеталарни уйларига олиб боришни режалаштирди ва йўлга қўйди. Бу билан воҳа хотин-қизларининг жамиятда фаоллигини таъминлашга ҳаракат қилинган эди. Воҳа хотин-қизлари ичидан хунармандлар танланиб, ташкил қилинаётган артелларга жалб этиш ишлари ҳам амалга оширилди.

1928 йилга келиб хотин-қизларни жамиятнинг турли соҳаларига жалб қилиш ишлари олиб борилди/[18]. Масалан, тиббий муассасаларда ишлаш учун қишлоқлардан хотин-қизлар чақириб олинди. Шунингдек, хотин-қизлар халқ судиди халқ маслаҳатчилари вазифасиди ҳам ишлаш бошлашди.

Бу даврда Термиз-Паттакесар ва Шеробод шаҳарларида хотин-қизлар турмуш шароитини яхшилаш учун пардозчилик артели (гўзаллик салони) ташкил этилди/[19]. Мазкур артел Сурхон воҳасиди дастлабки муассаса эди. Артелда аёллар ўзларига оро бериши ва сочларини янги замонавий қилиб турмақлайдиган бўлиши кўзда тутилган эди. Лекин, дастлабки вақтда раҳбар хотин-қизлар бу артелларга боришган бўлса, кейинчалик эса бошқа хотин-қизлар ҳам борадиган бўлишди.

1928 йилда 8 март – хотин-қизлар байрами муносабати билан хотин-қизлар клубларида байрам кечаси ташкил қилиш режаси тузилди. Унга кўра байрам муносабати билан ўзбек хотин-қизлари европалик хотин-қизлар билан ҳамкорликда байрам тадбирида иштирок этишди/[20].

Хусусан, шу йилнинг ўзиди лотин графикасига асосланган янги хотин-қизлар мактаби ҳам ташкил қилинди, унга ёш қизларни таклиф қилиш вазифаси алоҳида белгилаб қўйилди. Сурхон воҳасиди мавжуд клубларга махсус топшириқлар белгиланди. Унга кўра клубларда воҳанинг умумий ишчиларининг сиёсий савиясини ошириш ва касабани кенгашилари топшириқларига фаол иштирок этишга ундади. Клубларга умумий тарзда қатнашиб йиғилиш қарорлари ва топшириқларини ўрганиб ташкил қилинган тўғаракларга иштирок этишни талаб қилди/[21].

Совет ҳукумати клублар фаолиятини олиб бориш билан бирга чойхоналар фаолиятини ҳам тубдан ўзгартириб сиёсий мақсадларда фойдаланди. 1928 йилда совет ҳукумати ўзининг совет мафқурасини тарғиб қилиш мумкин бўлган жойнинг асосий қисми чойхона деб қаради. Шунинг учун ҳам мана шу йилда округ маданият бўлими ҳамда сиёсий бўлим билан биргаликда тезликда Паттакесар туманида қизил чойхона барпо этишга киришди/[22]. Қизил чойхона ўша даврда совет ҳукуматининг маълумотхонаси ва маслаҳат жойи, шу билан бирга айни вақтда совет қонунчилигини тарғиб қилувчи маскан сифатида қаралди.

Сурхондарё округиди болалар комиссияси ташкил этилиб, унда фото-студиялар ташкил қилишга рухсат берилди. Фотостудиянинг лабораторияси 1-Термиз болалар уйиди ташкиллаштирилди. Ушбу лабораторияни округ Ижроия Қўмитаси ва округ болалар комиссияси ташкил қилди/[23]. Оқругдаги бошқа ташкилотларга фотостудия ташкил қилишга рухсат берилмади. Уларга мавжуд студиядан фойдаланиш ва фото курслар ташкил қилишга рухсат берилди.

Совет ҳукумати даврида маданий-маърифий ташкилотлар ўз олдида пролетар (*капиталистик*

жамиятда ишлаб чиқариш воситаларидан махрум бўлган ёлланма ишчилар) маданиятини тарғиб этиш мақсадини қўйган эди. Миллий-маънавий маданиятга бир ёклама, синфий нуқтаи назаридан ёндашиш, уларни менсимаслик маҳаллий омма орасида норозилик кайфиятини юзага келтирди.

Шундай бўлса-да, воҳанинг Бойсун туманида маданий соҳада айрим ишлар амалга оширилди. 1930 йили шаҳар марказида «Сталин» номидаги (ҳозирги Газампарбобо чойхонаси ўрнида) маданият ва истироҳат боғи ташкил этилиб, унинг ўрта қисмида шимолга қаратилиб «халқлар дохийси» В.И.Лениннинг хайкали ўрнатилди. Дастлаб бу боғда Европа миллати вакиллари учун рақслар (танца), кино томошалари (ҳозирги болалар боғчаси ўрнида ёзги кинотеатр бор эди) ҳамда ҳар хил концертлар намойиши йўлга қўйилди [24; 172-173 б.].

1932 йилда Сурхондарё округи Жарқўрғон туманида ишчи ва деҳқонларнинг иш кунини белгилаш ва беш кунлик иш кунини жорий қилиш тўғрисида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда бир ҳафта беш кун ҳисобланиб, унда беш кунлик иш тартиби жорий қилиниши билан маданий-маърифий ишларга ҳам вақт ажратилиши белгилаб олинди [25]. Дам олиш кунлари туманда овқатланиш шохобчалари, қизил чойхоналар, даволаниш муассасалари, кинохоналар ва почта алоқалари ишлаб туриши керак деган талаб қўйилди.

Бундан ташқари, воҳада бир қанча маданий муассасалар ташкил қилина бошланди. 1933 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган республика музейлари конференциясида Қарши, Хива ҳамда Термиз шаҳарларида музейлар ташкил этиш ҳақида таклифлар билдирилди. 1933 йилнинг 17 сентябрида музей ташкил этилиши билан боғлиқ бўлган барча муаммолар ҳал этилди. 1933 йилнинг октябрь ойида музейнинг қишлоқ хўжалиги бўлими ташкил этилиб, барча туманларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг намуналари музейга келтирилиши ҳақида қарор қилинди. 1935 йил 20 июлда вилоят округ қўмитасининг қарори билан Сурхондарё давлат туманлараро музейи округ музейига айлантирилди [26; 67 б.]. Музей ходимлари 1935 йилда Боботоғ тоғлари ва Денов шаҳрига ўзининг биринчи экспедициясини уюштирди. Бу музейнинг илк илмий экспедицияси эди.

Музей ходимлари эски Термизни доимий равишда илмий жиҳатдан ўрганиш ишларини йўлга қўйдилар. Музейнинг таркибида зоология бўлими фаолият юрита бошлади. Ўша вақтда музей директори Г.В.Парфёнов Тошкент ҳайвонот боғидан 2 та айик, 3 та бўри, 3 та сиртлон ва бошқа ҳайвонлар-

ни олиб келди. 1936 йилга келиб зоология бўлими «Жданов» номли колхоз худудига кўчирилди ва ҳайвонот боғи шу ерда ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда [27].

1939 йилнинг 16 февралига келиб музейнинг зоология бўлими мустақил ташкилот сифатида музейдан ажралиб чиқди ва Сурхондарё округ зооботаника боғи деб номланди. Ҳайвонларнинг яхши яшashi ҳамда уларнинг иқлимга қараб мослашиши учун кўриқхона, ҳайвон ва паррандаларни сақлаш учун атрофи ўралган майдонча қуриб ишга туширилди.

Сурхондарё округида 1935 йилнинг 5 ноябрида Термиз шаҳрида мусиқали драма театри иш бошланди [28; 26 б.]. Ўша йилнинг 25 мартида режисёр Афандихон Исмоиловнинг Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг «Ғолибият» асари премьерасининг дастлабки намойиши бўлиб ўтди. Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» асари, Комил Яшиннинг «Икки коммунист», «Тормор», У.Исмоиловнинг «Рустам» каби премьералари сахналаштирилиб, воҳа аҳолисига намойиш қилинди. Саҳна асарларининг номланишидан ҳам шуни билиш мумкинки, намойиш этилган премьералар совет мафқураси асосида амалга оширилган эди.

Шу йилнинг ўзида округ банклари 1936 йилга келиб колхозларнинг маданий-маърифий ишлари учун қўшимча 7.050 рубл маблағ ажратди. Ажратилган ушбу маблағни колхозларнинг қизил чойхона ва қизил клублар фаолиятини ривожлантириш ҳамда газеталар олиб келишга сарфлади. Тумандаги мавжуд катта клубга «Ўзбеккино» ташкилоти келиб кино қўйиши учун тайёргарлик ишлари олиб борилди [29]. Ўзбеккинонинг асосий талаби залнинг барча қисми тўлиқ ёритилишини назорат қилди.

1936 йилда Термиз шаҳридаги театрда «Конституция бахтли ҳаёт сари» мавзусида ишчи ва меҳнаткашлар ўртасида катта тадбир бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда иштирок этган темир йўл депосининг ходими Расулов сўзга чиқиб, «Сталин Конституцияси бахтли ва эркин ҳаёт барча халқларни бир жойда бирлаштирадиган социалистик кенгашир» деб маъруза қилди [30]. Ўша давр нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, мана шундай ғоя ва мафкура руҳи остида маърузалар қилиб, шу аснода иш олиб боришни совет ғоясини тарғиб қилиш ва ҳукмрон партия ишларини илгари суриш десак хато қилмаган бўламиз.

Шунингдек, маданий-маънавий ишларда спорт мусобақалари ҳам ўтказилиб турилди. Ўзбекистон бўйича ўтказиладиган спорт мусобақасига Сурхондарё округида бутун ёшларни тайёрлаш учун округ

қўмитаси махсус қарор қабул қилди[31]. Мазкур мусобақага ёшлар орасида футбол, шашка, шахмат ва енгил атлетика билан шуғулланувчи иқтидорли спортчилар танлаб олинди. Шу билан бир қаторда округ маркази Термиз шаҳрида округ болалар спартакиадаси бўлиб ўтди. Мазкур спартакиада қатнашчилари асосан мактаб ўқувчилари ва пионерлардан ташкил топди. 1937 йил июнь ойида Термиз шаҳрининг ўйингоҳида округ ёшлари ўртасида спартакиада мусобақаси бўлиб ўтди. Ташкил қилинган спартакиадада нафақат ўғил болалар, балки қиз болалар ҳам иштирок этишган эди. Мусобақада асосан русийзабон ёшлар иштирок этишиб, қизлар орасида ҳам русийзабон миллат вакиллари кўпчиликни ташкил қилар эди[32].

1937 йилда Сурхон воҳасида маданий муассасалар таркибига киритилган қизил чойхоналар фаолиятига танқидий эътибор берилди бошланди. Мана шундай чойхоналардан бири Бойсун туманида бўлиб, унинг иш фаолияти қониқарли деб баҳоланмади. Чунки ўша даврда қизил чойхоналар совет давлатининг маданий ҳордиқ чиқариш маскани ҳамда ҳукуматнинг тарғибот ва ташвиқот марказларидан эди. Шунингдек, қизил чойхоналар республика ҳамда округ газеталари билан таъминланиб, кунлик мамлакат ва округ ахбороти билан танишиш маркази деб қабул қилинган эди. Лекин, мазкур чойхонада эса бу ҳолатга умуман эътибор берилмасдан келинган, аксинча, чой ичиш учун чойнак, пиёла етишмаганлиги, чойхонанинг эса гигиена ҳолати талабга жавоб бермаганлиги масалалари маълумот тарзида округ гезеталарида мақолалар тарзида босилиб чиқиб турди[33].

Ўша давр нуқтаи назаридан олиб қараганда воҳада барча ижтимоий ҳолатлар бир хил ҳолатда эди. Ҳукумат томонидан мазкур маданий муассасаларнинг моддий техник базаси яхши режали қилиб ташкиллаштирилмасдан, балки имкон даражасида ишлаб турган чойхоналарни қоқоқлик деб қараган эди. Шунинг учун ҳам мана шунга ўхшаш чойхоналар жамоат ташкилотлари ҳамда маданий муассасаларни оддий меҳнаткаш деҳқонларнинг ўзлари қилишларига мажбурлаш ҳолатлари кўплаб бўлиб турди.

Сурхон воҳасида ўша давр талаби даражасида бунёд этилган биринчи чойхоналардан бири бу Паттақасар туманига қарашли «Тўрахўжаев» номи колхозда барпо этилди. Бу чойхона ўша вақтда энг ҳашаматли иморатлардан бири эди. Унинг дераза ромлари жуда нафис қилиб ишланган бўлиб, у пардалар билан безатилган эди. Чойхона кутубхона, радио апарати, иккита биллиард ҳамда патефон билан таъминланган эди. Ушбу чойхонанинг

очишиш маросимида колхоз раиси сўзга чиқиб, бугунгача қилинган ишлар ва пахта ҳосилдорлиги 1935 йилга нисбатан икки баробар ошганлиги ҳамда Миср пахтаси жуда яхши нав эканлигини таъкидлаб, колхозчилар пахтадан олган даромадлари ва олган уй ҳайвонларини ҳисоблаб, совет ҳукуматига бўлган меҳрини изҳор қилган эди[34].

Маданий-маърифий масканлар сирасида ҳар доим ҳам таълим биринчилар қаторида турган. Ана шундай муассасалардан бири Бойсун туманида «Чор чинор» лагери ҳисобланиб, у тоғда жойлашганлиги учун ёз фаслида воҳа пионер ўқувчилари бориб дам олишар эди. Лагерда маданий-маърифий тадбирлар жуда яхши йўлга қўйилган бўлиб, турли хил спорт ўйинлари ва мусиқа кечалари ташкил қилиниб турилди[35].

1939 йилда округнинг «Илғор Сурхон учун» газетаси ҳақида «Қизил Бухоро» газетасида мақола эълон қилинди. Мақолада 1938 йилда Жарқўрғон туманининг «Сталин» колхозида ёшларнинг ташаббуси ҳамда кўмагида кишки клуб биноси қуриб битказилганлиги, клубнинг асосий залидан ташқари кутубхона, биллардхона, ошхоналар ҳам ташкил қилинганлиги, совет ҳукумати раҳбарлари ушбу клубни келгусида ёшларни совет мафқураси руҳида тарбиялаш ишида муҳим маскан бўлади деб ҳисоблагани таъкидлаб ўтилди [36; 79 б.]. Клуб жамоа хўжалигида тузилган ҳаваскорлик жамоаси ихтиёрига топширилди. Ташкил қилинган клубда округ ва туман микёсидаги катта-катта йиғилишлар ўтказилиб, республика ҳамда округ марказидан келган санъаткорлар клубда концерт номойишларини ўтказишди. Республикамининг таниқли санъаткорлари, хусусан, Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Саодат Қобуловалар бир неча бор келиб ушбу клубда концерт беришган эди[37]. 1940 йилда ЎзССР Компартиясининг биринчи секретари Усмон Юсупов ҳам ушбу клубга ташриф буюриб унга юксак баҳо берган эди.

1939 йилда воҳадаги мавжуд қизил чойхоналар фаолиятини ўрганиш мақсадида воҳанинг Денов ва Жарқўрғон туманларига округнинг «Илғор Сурхон учун» номи газета мухбирлари ташриф буюрдилар. Денов туманининг «Қизил деҳқон» колхозини чойхонасида барча маданий-маърифий ишлар кўлами бажарилган. Чойхона газеталар, журналлар ва китоблар билан таъминланиб, чойхонанинг ички ва ташқи қисмида деворий газеталар ҳамда совет мафқураси ва ғояси тарғиботи учун шиорлар ва раҳбарларнинг портретлари ва бошқа тусдаги расмлар билан безатилган. Шу туманнинг «Янги турмуш» колхозидаги қизил чойхонасида эса аҳвол буткул бошқача. Юқорида таъкидланган ҳолатдан

асар ҳам йўқ. Совет ҳукуматининг мақсади чойхоналарнинг фаолиятини яхшилаб, уни маданият («культура») марказига айлантириш деб қараган эди[38]. Чойхонага қишлоқ меҳнаткашлари келиб бир пиёла чой ичиб, хордиқ чиқариш ўрнига, совет ҳукуматининг тарғибот марказига келган киши сифатида мажбуран келиш ҳоллари кўплаб учраб турар эди.

Жорий йилда округ театр актёрлари ҳақида ҳам матбуотда кенг суръатда мақолалар эълон қилиниши. Округ театрининг етакчи актёри Хуршид Адилов ҳақида округ газетасида мақола эълон қилинди. Мақолада Хуршид Адилов совет ҳукумати тамонидан илгари сурилган сиёсат ва мафқураларга тўлиқ асосланган пьесаларда моҳир актёр сифатида кўқларга кўтарилди. У «Чегарачилар», «Деве-версант» ҳамда «Ватан» каби спектаклларда бош ролларни пухта ва эпчиллик билан бажаргани учун бутун томошабинларнинг ҳурматида сазовор бўлди дейилади. Совет ҳукумати мана шунга ўхшаш актёрларни халқнинг назарига олиб кириш мақсадида сиёсий йўлда хизмат қилувчи кишилар сифатида эътироф этган эди.

Шунингдек, округ театри болалар учун томошалар уюштирди. Болалар учун театрда «Ватан» постановкаси ҳамда концерт дастурлари намойиш этилди. Ушбу концерт томошасига келган пионер ва ёш ўқувчи болалар сони жами 755 кишини ташкил қилди[39].

Шунингдек, совет ҳукумати маҳаллий аҳолига дин эркинлигини чеклаб қўйиш ва «Худосизлар» жамиятини тузиш орқали динга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириб юборишга ҳаракат қилди. Кишилар онгини заҳарлаб, янги сиёсатда диннинг ўрни мутлақо бўлмаслиги ва дин хурофот, эскилик саркити сифатида қоралаб келинган эди. Шўрчи тумани комсомол ташкилоти аъзоларидан бир гуруҳи хотин-қизлардан иборат бўлишган. Лекин улар рўзаи рамазон ойида рўза тутганлиги учун округ газетасида комсомол аъзоси бўла туриб динни тарғиб қилмоқчи деган мазмунда мақола эълон қилинган эди. Нега энди комсомол ташкилоти раҳбари уларга нисбатан совет сиёсатига қарши чиққан киши сифатида чора кўрмайди деб танқидий хулоса берган. Комсомолларга рўза тутиш, динни тарғиб қилувчи амаллар бажариш мутлақо мумкин эмас, комсомол ташкилоти раҳбари уларга нисбатан қаттиқ чора кўриши лозим деб топди[40].

1939–1940 йилларда амалга оширилган ишларнинг сарҳисоби учун Жарқўрғон туманида тантанали кечалар ташкил қилишни режалаштирди. Унга кўра туманда маҳаллий аҳоли ўртасида «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 22 йил-

лигига бағишланган» намойишлар ва митинглар бўлиб ўтди. Шу билан бирга барча ташкилотларда, мактаблар, болалар боғчаларида совет ҳукумати тамонидан бадий кечалар, кино-картиналар намойишлари ташкиллаштирилди. Улуғ Октябрь революциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанани тумanning барча колхоз раислари ҳамда қишлоқ кенгашлари раислари кўтаринки руҳда ўтказишни талаб қилди. Махсус округ мусиқали драма театрининг санъаткорларини таклиф қилишди. Туманда совет ҳукумати ушбу байрамни маҳаллий аҳолига чуқур сингдиришга ҳаракат қилди. Байрам тадбирлари воҳанинг барча туманларида ташкиллаштирилганлиги билан маҳаллий аҳоли бу қандай байрам эканлиги, Октябрь инқилобининг бизга нима алоқаси борлигини ҳатто тушунмас эди.

Шунингдек, 1940 йилда воҳанинг Жарқўрғон туманида колхоз раҳбарларини, Ўзбекистоннинг қурилиш ишларида яхши қатнашган округ кўмитаси тамонидан тавсия қилинган раҳбар ходимларни «Ленин» номли фахрий ёрлик билан тақдирлаш маросимлари бўлиб турди. Шулардан бири «Меҳнатроҳат» колхозининг раиси Боймуродов Норалини ЎзССР юқори кенгаши қарори билан «Ленин» номли фахрий ёрлик билан тақдирлади[41].

1941 йилда Сурхон воҳасида маданий муассасалардан бири деҳқонлар уйи ҳисобланган. Маҳаллий деҳқонлар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда фарзандларини «деҳқонлар уйи» деб очилган маданий муассасага келишга доимий мажбурлаш ишлари олиб борилган. Совет давлати учун деҳқонларнинг келиши унчалик муҳим бўлмасида, уларнинг фарзандлари келиши кўпроқ қизиқтирар эди. Чунки ёш болаларга янги типдаги мактаблар ва болалар боғчаларидаги майдончалар ташкил қилинганлиги, келгусида уларда спорт мусобақалари ўтказилишини тарғиб қилиш оsonроқ кечар эди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Сурхон воҳасидаги маданий ҳаётда ютуқлар ва муаммоларнинг архив маълумотларида келтирилгани совет ҳукуматининг ижтимоий-маданий ҳаётдаги зиддиятли ўзгаришларни амалга оширганлигини аниқ ифодалашда бирламчи манба сифатида кенг қамровда ўрганилди.

Совет ҳукумати Сурхон воҳаси маданиятини буткул йўққа чиқаришга бутун кучи ва билими даражасида ҳаракатларни амалга оширди. Энг аввало, маҳаллий халқни саводли қилишдан бошлаш керак деб ишонтириб, уни чалғитди, оқибатда эса саводсизлик гирдобига тушиб қолди. Буни шундай изоҳлаш мумкин, 1925–1941 йиллар оралигида икки марта алифбо алмашилди, мана шунинг ўзи чалқашлик эмасми?

Қишлоқ хўжалигида бойлар, ўзига тўқ хўжаликлар, рухонийлар, зиёлиларнинг бор мол-мулки талон-тарож қилиниб ўзлари «қулок» қилинди ва мамлакатнинг биринчи душмани сифатида қораланди. Оддий халқ фарзандларини уларга нисбатан душман қилиб тарбиялашга бел боғланди. Воҳа аҳлининг бой маданиятини поймол қилиниб, ленинча-сталинча дунёқараш шакллантирилди. Ўз ғояларини тарғиб қилиш мақсадида воҳанинг турли туманларида маданий муассасалар, клублар, кизил чойхоналар, театрлар, музейлар, агитпунктлар, кутубхоналар ва бошқа маърифий масканлар ташкил қилди. Оқруғ марказида ташкил қилинган мусиқали драма театрида совет сиёсатини тарғиб қилувчи асарлар саҳналаштирилиб, воҳа аҳолисига намойиш қилинган эди. Ушбу саҳналаштирилган асарларнинг номланиши шуни кўрсатиб турибдики, намойиш этилган премьералар совет ғоясига асосланган бўлиб, халқни мазкур мафкурага янада жипслаштиришга қаратилган.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. O'zbekistonning yangi tarixi 2-kitob. O'zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida . – Toshkent: Sharq, 2000.
2. O'zRMDA, R-86-jamg'arma, 1-ro'yxat, 2393-ish, 69-varaq.
3. O'zRMDA, R-86-jamg'arma, 1-ro'yxat, 2323-ish, 134-varaq.
4. O'zRMDA, R-86-jamg'arma, 1-ro'yxat, 3173-ish, 106-varaq.
5. O'zRMDA, R-86-jamg'arma, 1-ro'yxat, 3173-ish, 147-varaq.
6. O'zRMDA, 95-jamg'arma, 1-ro'yxat, 1095-ish, 30-varaq.
7. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, 89-jamg'arma, 1-ro'yxat, 48-ish, 42-varaq.
8. O'zRMDA, R-86-jamg'arma, 1-ro'yxat, 3983-ish, 138-varaq.
9. O'zRMDA, R-86-jamg'arma, 1-ro'yxat, 4158-ish, 74-varaq.
10. O'zRMDA, R-86-jamg'arma, 1-ro'yxat, 4158-ish, 76-varaq.
11. O'zRMDA, R-86-jamg'arma, 1-ro'yxat, 4178-ish, 31-varaq.
12. O'zRMDA, R-86-jamg'arma, 1-ro'yxat, 5630-ish, 94-varaq.
13. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, 89-jamg'arma, 2-ro'yxat, 1-ish, 141-varaq.
14. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, 91-jamg'arma, 1-ro'yxat, 40-a-ish, 36-varaq.
15. Ilg'or Surxon uchun. – 1937. – 28 may.
16. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, 89-jamg'arma, 1-ro'yxat, 136-ish, 121-varaq.
17. O'zRMDA, R-86-jamg'arma, 1-ro'yxat, 3625-ish, 22-varaq.
18. O'zRMDA, R-86-jamg'arma, 1-ro'yxat, 3625-ish, 35-varaq.
19. O'zRMDA, R-86-jamg'arma, 1-ro'yxat, 3625-ish, 52-varaq.
20. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, 89-jamg'arma, 1-ro'yxat, 144-ish, 6-varaq.
21. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, 89-jamg'arma, 1-ro'yxat, 144-ish, 8-varaq.
22. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, 89-jamg'arma, 1-ro'yxat, 59-ish, 12-varaq.
23. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, 89-jamg'arma, 1-ro'yxat, 133-ish, 72-varaq.
24. Tursunov S. Rashidov Q. Boysun. – Toshkent. Akademnashr. 2011. 172-173 b.
25. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, Jarqo'rg'on tumani bo'limi, 20-jamg'arma 1-ro'yxat, 20-ish, 8-varaq.
26. Botirov I.T. Surxondaryo o'lkashunoslik muzeyi tarixi. – Toshkent: Fan, 2011.
27. Surxon tongi. – 2011. – 26 may.
28. Tursunov S., Kichkilov X. Termiz yilnomasi. – T. «Sharq», 2001 y.
29. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, Jarqo'rg'on tumani bo'limi, 20-jamg'arma 1-ro'yxat, 102-ish, 164-varaq.
30. Pravda Vostoka. – 1936. – 10 dekabr.
31. Pravda Vostoka. – 1936. – 17 iyul'.
32. Ilg'or Surxon uchun. – 1937. – 21 iyun'.
33. Ilg'or Surxon uchun. – 1937. – 22 iyun'.
34. Ilg'or Surxon uchun. – 1937. – 27 yanvar'.
35. Yosh Leninchi. – 1937. – 1 avgust.
36. Tursunov S, To'xtaev A. Jarqo'rg'on. – Toshkent: Fan, 2008. 79 b.
37. Jarqo'rg'on tumanidagi sobiq «Partiya XXII s'ezdi» jamoa xo'jaligi tarixi. (Joriy arxiv ma'lumotlari asosida) – Termiz., 1982 yil. 24-b.
38. Ilg'or Surxon uchun. – 1939. – 11 yanvar'.
39. Ilg'or Surxon uchun. – 1939. – 9 yanvar'.
40. Ilg'or Surxon uchun. – 1939. – 4 noyabr'.
41. Surxondaryo viloyati davlat arxivi, Jarqo'rg'on tumani bo'limi, 20-jamg'arma 1-ro'yxat, 214-ish, 98-varaq..

